

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРУҚЛИК ВА ҲАВО  
ТРАНСПОРТИ: ЕЧИМ ВА МУАММОЛАР**

**Шодмон Ҳайитов**

Бухоро давлат университети

**Жўрабек Мажидов**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Бухоро Халқ Совет Республикаси йилларида ички транспорт йўлларининг тармоқ ва йўналишлари ҳамда ҳаво транспорти қатновини йўлга қўйиш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

**Калит сўзлар:** Фойтун, от, станция, чақирик, йўл, Добрагёт, юк ташиш, ҳаво йўли, самолёт, куръер, мундир, винтовка, Добрафлот, ходим.

**LAND AND AIR TRANSPORT IN BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC:  
SOLUTIONS AND PROBLEMS**

**Shodmon Haitov**

Bukhara State University

**Jurabek Majidov**

**ABSTRACT**

In this article, comments will be made on the networks and directions of internal transport routes and the issues of air travel during the years of the people's Soviet Republic in Bukhara.

**Keywords:** Foytun, horse, station, Mile, Road, Dobralyot, cargo, airway, plane, Courier, mundir, vintovka, Dobraflot, employee.

**КИРИШ**

БХСР ҳукумати йилларида энг муҳим муаммолардан бири ички транспорт йўллари муаммоси бўлган. Республиkaning шаҳар ва туманларини ўзаро боғлайдиган йўллар тош ётқизилмаган, қумлоқ ва тупроқли бўлиб, уларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ва белгиланган манзилга етиб бориши анча қийинчиликларни туғдирар эди. Автомобиль саноати тараққий қилмаган бир пайтда, асосий транспорт воситалари от, хачир, туялар бўлиб, юк ва одам ташишда аробадан кенг фойдаланилган Шу сабабли ишчи ҳайвони ва транспорт воситаси сифатида фойдаланилган ушбу ҳайвонларнинг ҳамда ароба нархи баланд бўлган 1921 йилнинг охири - 1922 йил бошларида БХСР бозорларида 1 та эшак – 22 минг рубль, 1та тия – 50 минг рублдан 125 минг рублгача, 1 та от – 120-125 минг рубль (150минг рублгача), хачир кам сонли бўлганлиги учун бунданда юқори баҳоларда баҳолангандан[1]. Бироқ хачирларни ҳаракатдан тўхтатиш

қийинлиги туфайли улардан транспорт сифатида кўп фойдаланилмаган. Ароба барчада йўқ эди. Шу сабабли дехқонлар ўз юмушларини бажариш учун аробани ижарага олишар, аробани бир неча кун ижарага олиш 40 минг рубль турган[2].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

БХСРда вилоят ва туманларни боғловчи от станция (конная станция)лар бўлган. Республика Ички ишлар нозирлиги ҳузурида “Алоқа ва транспорт бошқармаси” идораси ташкил этилиб, ушбу муассаса орқали транспорт ва транспорт йўллари, от станциялари бошқарилган. Архив манбалари маълумотига, БХСР ҳудудида 1922-1923 йилларда жаъми: 24 та доимий, 4 та шартли номунтазам от станцияси, яъни 28та станция мавжуд бўлган. Ушбу от станцияларида 309 та от, 254 та курьер- фойтунчи хизмат қилган[3]. Архив ҳужжатларида от станцияларининг масофаси, уларга етиб бориш вақтлари аниқ берилган маълумотларни учратдик.

Жумладан, Бухоро-Вобкент масофаси 24 чақирим бўлиб, бу от станциясида 12 та от билан 10 та курьер хизмат кўрсатган. Вобкент-Кармана оралиғи 80 чақирим, Кармана-Нурота 96 чақирим, Кармана-Абусой 32 чақирим ва ҳакозо[4].

От станцияларидан мунтазам фаолият юритиб, уларда хизмат кўрсатадиган от ва кучерлар сони ҳақида қўйидаги жадвал орқали маълумот олиш мумкин[5].

Т/р	От станцияларининг номланиши	Отлар сони	Кучерлар сони	Изоҳ
1	Кармана от станцияси	15 та	12 та	
2	Қарши от станцияси	12 та	16 та	
3	Керки от станцияси	10 та	15 та	
4	Чоржуй от станцияси	12 та	16 та	
5	Душанбе от станцияси	15 та	20 та	
6	Шеробод от станцияси	12 та	15 та	
7	Бойсун от станцияси	10 та	14 та	
8	Келиф от станцияси	10 та	12 та	
9	Ғузор от станцияси	8 та	12 та	

Юқоридаги жадвалдан ташқари Ислом, Чироқчи, Шахрисабз, Оқработ, Кўрчи, Чоршинжон, Ҳасантон, Қоракўл, Денов, Зиёвуддин, Хатирчи, Зандани, Лақлақа, Ромитан, Шоғиркон, Султонобод, Пирмачит, Вағанзи, Азизобод, Гулистон, Ғишли, Ғиждувон каби ўнлаб туман ва кентларни ўзаро боғловчи от станциялари бўлиб, уларда 6 тадан 12 тагача отлар, 8 тадан 10 тагача бўлган кучерлар хизмат кўрсатган. Фойтунларга қўшиладиган отлар учқур, соғлом, маҳсус тарбияланган бўлиши керак эди, отлар учун ем-хашак масалалари Ички ишлар нозириги томонидан назоратга олинган, айрим пайтларда отлар оралиқ станцияларда холатига қараб янгиларига алмаштириб турилган.

Фойтун ҳайдовчи ҳар бир кучер тиббий қўриқдан ўтказилиб, махсус Мундир ва ҳарбий қурол билан таъминланган. БХСР да нобарқарор сиёсий вазият, қароқчи ва “босмачи” тўдалари мавжудлиги ҳисобга олиниб, уларга “Берденка” учотар, бешотар милтиқлари, “Венчестр” милтиғи берилган[6].

БХСР йилларида нафакат кучерларга, қолаверса, хукуматга қарашли идораларда қишлоқ хўжалик тажриба станцияларида турли корхоналарда фаолият кўрсатувчиларга ҳам ҳарбий қурол берилган. Жумаладан, Ширбудин қишлоқ хўжалик станциясига Бухоро шаҳрига яқин Шербудин қишлоқ хўжалиги станциясида 10 деятина ерга экин экишган, 5 десятина ер шудгор қилиб қўйилган 2 десятина ер иккинчи экинга тайёрлаб қўйилган.

Маълумки, БХСРда сув тансрспорти йўли айтарли даражада ривожланмаган бўлиб, Чоржўй орқали ўтадиган Амударё флотида Биринчи жаҳон уруши йилларида (1914-1918 йиллар) 1800 нафар флот хизматчилари фаолият юритган бўлса, 1922 йилларга келиб улар сони 549 кишигача қисқарган. Флотда хизмат қиласидан кема ва пороходлар сони ҳам кескин камайиб, уларда асосан таъмирчи усталар ишлашар, бундайлар учун тўланадиган иш ҳақи бир қадар оширилган эди[7]. БХСРда 1922 йилда “Доброфлот” айғоқчиликнинг махсус бўлими ташкил этилиб, флот транспортини йўлга қўйиш масаласи кун тартибига қўйилганда.

БХСР Нозирлар Шўросининг 1922 йил 30 сентябрдаги мажлиси 7-рақамли қарори билан Бухорода “Доброфлот” айғоқчилиги ташкилотининг махсус бўлими очилди[8].

Карки шаҳрида “Доброфлот” айғоқчилиги ташкилоти тузилиб, унинг раҳбарияти таркибига 4 киши киритилган. Архив манбаларидан бирида: “Доброфлот” айғоқчилиги раҳбариятига 900 танга, иш бошқарувчи ва унинг ўринбосарига 100 тангадан, экспедиторга-30 танга ҳисобида; 1130 танга ойлик маош тўланиши ҳақида маълумот берилган[9]. Бироқ ушбу бўлим ўз фаолиятини йўлга қўйишга улгурмасидан БХСР хукумати тутатилиб, бу борада режалаштирилган лойиҳалар қофзода қолиб кетди.

БХСР хукумати раҳбари Файзулла Хўжаев (1896-1938) 1923 йилнинг баҳорида Москвада бўлиб, Республикада ҳаво флоти-самолётлар қатновини йўлга қўйиш ҳақида музокаралар олиб борди. Ўша пайтда Англия, Франция, Германия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган самолётлар 100-150 кишини олиб, 5000 чақиримгача, соатига 120-140 км масофага уча оларди. Бухоро шаҳрини Душанбе, Хива, Тошкент, Олмаота каби шаҳарлар билан боғловчи аэропортлар қуриш бошланган. БХСР, Туркманистон АССР, ХХСРга 20та самолёт олиб келинди. БХСР да 1923 йилда “Ҳаво флоти дўстлари жамияти”нинг бўлими очилди. 1923-1924-йилларда “Добролёт” Бухоро бўлими ҳаво флоти фойдасига 35 минг рубл тўплади. Аҳолидан 20 минг рубль хайрия пуллари териб олиниб “Добролёт”нинг Ўрта Осиё бўлимида маблағлар миқдори 22200007 рубл миқдорига етганди[10].

БХСР нинг матбуот органида 1923-йил 5-августдан 12-августгача бўлган “Ҳаво флотига ёрдам ҳафталиги” акциясига Бухоро аҳолиси фаол иштирок этганлиги бир қатор манбаларда акс эттирилган.

Бухоро матбуотида келтиришича, ҳаво флоти учун тўпланган маблағлар тилла билан 235 сўм 50 тийин, кумуш билан 233 сўм 25 тийин, Бухоро олтин тангаси 25 дона афгони тангаси 49 дона, русларнинг 1923 йилги пули билан-318792 сўм тўпланган. Шунингдек Хўжайижаон тумани (ҳозирги Фиждувон) 20 минг сўм, 160 пуд ғалла, Когон тумани 130 минг Россия рубли, тилла билан 112 сўм 50 тийин миқдорида маблағ тўпладилар[11].

“Добролётга” тўпланган маблағлар Эски Бухоро, Янги Бухоро (Когон), Термиз, Душанбе, Кўлоб, Қарши шахариларда самолётлар қўнадиган аэропортлар қуриш учун сарфланиши мўлжалланди. Самолётлар қатновини йўлга қўйиш катта ҳаражатни талаб қиласди. Шу сабабли ширкат ва уюшмалардан, Халқ жамоалари ва театр томошаларидан, расм ва картиналар намойишларидан, кўпкари (от уйини)дан тушган маблағлардан тўпланган пуллар ҳам “Добролёт” ҳисобига келиб тушарди. Бирок Бухоро-Хива (450 чақирим) самолёт қатновининг бир йиллик ҳаражатлари 450 минг олтин рублга тушганлигини ўзиёқ, бу борада иқтисодий жиҳатдан катта маблағ талаб қилинишини кўрсатади[12]. Манбалар маълумотича, “Добролёт” Ўрта Осиё жамияти Бухоро Республикаси бўлимни Бухоро-Афғонистон божхоналари ягона Бухоро бочхона округи қилиб бирлаштирилганлиги қайд этилган[13].

## ХУЛОСА

БХСР да истиқболда Бухоро-Кобул (Афғонистон) ҳаво транспорт алоқаларини ўрнатиш мақсади ҳам бўлганлиги англашилади. Хулас, 1920 йиллардаёқ БХСР ҳукумати самолётлар қатнови орқали фуқаро ҳаво транспортини йўлга қўйишга дадил амалий қадамлар ташлаган эди.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-48-фонд, 1-руйхат, 22 йиғма жилд, 149-варак
2. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-47-фонд, 1-руйхат, 22 йиғма жилд, 150-варак
3. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-59-фонд, 1-руйхат, 47 йиғма жилд, 116-варак
4. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-59-фонд, 1-руйхат, 97 йиғма жилд, 114,115-варак
5. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-59-фонд, 1-руйхат, 97 йиғма жилд, 116-варак орқа томони.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-48-фонд, 1-руйхат, 267 йиғма жилд, 97,98-варак
7. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-48-фонд, 1-руйхат, 22 йиғма жилд, 198-варак
8. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-48-фонд, 1-руйхат, 47 йиғма жилд, 7-варак

9. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-48-фонд, 1-руйхат, 47 йигма жилд, 7-варақ
10. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-49-фонд, 1-руйхат, 15 йигма жилд, 5-варақ
11. Ҳайитов Ш. Бахридинов С. Раҳмонов К. Иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат маданий ҳаёт – Бухоро: “Бухоро” наширёти. 2005. –Б.34
12. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-49-фонд, 1-руйхат, 15 йигма жилд
13. Ўзбекистон Миллий Архиви, Р-49-фонд, 1-руйхат, 15 йигма жилд, 16-варақ
14. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
15. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
16. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
17. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.